

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта максус таълим вазирлиги

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРТИЛГАН

Тошкент юнб-технология институти

ТАСДИКЛАНГАН ВА КИРТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта максус таълим вазирлиги
худоевига Олий ва ўрта максус профессионал таълим бўнанингаририга
Ўзбек-устуби ботламизлар профилати Ўзукбўлдигига таъминланган 2022
йил «Ўзбек-БФ» юнб-технология институти ўзининг таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта максус таълим вазирлигининг
2022 йил 25-и 2022 йили ўзбек тили буаруни билан ташкилинисан.

ЖОРИЙ ЭТИКЕГАН:


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта максус таълим вазирлиги

**60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

Малака талаблари Тўлий бўйни даёт таълим стендарти Асосий
кодни таъминланганчаликни да же таъсирлиликни көрсификатори.
Узбекистон Республикаси юнб-технология институтидаги мадеб чекишини
за расмий таъсирлиликни да же таъсирлиликни көрсификатори.

Ўзбекистон Республикаси вазирлиги таъсирлиликни көрсификатори
Сурʼи Узбекистон тарбияети министри Файз до ўрта максус таълим вазирлиги
тегимлини таъсирлиликни да же таъсирлиликни көрсификатори.

Тошкент



СЎЗ БОШИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент кимё-технология институти

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 25 » 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш хуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишилдир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1	<i>60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги)</i> . таълим йўналиши малака талабининг қўлланиши.....	4
1.1.2	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1	<i>60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги)</i> . таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2	<i>60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги)</i> . таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3	<i>60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги)</i> . таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4	<i>60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги)</i> . таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	<i>60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар..... Библиографик маълумотлар..... Келишув вараги.....	7 8 9

1. 60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш қундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Кўлланиш соҳаси

1.1.1. 60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги) таълим йўналиши малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат Аттестация Комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотни молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотига ўқишига кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги) бакалавриат таълим йўналиши - ишлаб чиқариш технологиялари соҳасидаги йўналиш бўлиб, озиқ-овқат технологиясида озиқ-овқат хавфсизлиги мезонларини татбиқ этиш, замонавий ва хавфсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тадқик қилишга йўналтирилган воситалар, усуллар мажмуасини камраб олади.

1.2.2. 60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг обьектлари:

- озиқ-овқат маҳсулотлари хом ашёлари ва уларни кимёси ҳамда биокимёси;

- озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш технологиялари;

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда замонавий технологиялар;

- озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаш асослари ва хавфсизлик мезонлари;

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ускуна ва жиҳозлар;

- озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва қадоқлаш.

1.2.3. 60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- ишлаб чиқарии;

- илмий-тадқиқот;

- ташкилий-бошқарув;

- лойиҳавий-конструкторлик;

- фойдаланиш ва хизмат кўрсатии;

- педагогик (умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида).

1.2.4. 60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ бакалавриат битирувчиси қўйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ишлаб чиқариш ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятида:

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- участка, цех, бўлим технологи бўлиб ишлаш, ишлаб чиқариш цехини юритиш;
- хом ашё, ёрдамчи материаллар ва маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;
- технологик схемаларни таҳлил қилиш ва технологик параметрларни ҳисоблаш;
- корхонадаги асбоб-ускуналар ва технологик жиҳозларнинг ишлашини таъминлаш, уларни яроқли ҳолатда ушлаб туриш ва қайта тиклаш;
- автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва мухитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- буюртмачилар билан ишлаш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш;
- техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, қурилмалар, материалларни ва янги турдаги материалларнинг таркиби ва ишлаб чиқариш технологиясини амалиётга татбиқ этиш;
- машиналар ва автоматлаштирилган линияларни синовдан ўтказишида иштирок этиш;
- Ўзбекистонда ва хорижда чоп этилган соҳа технологияларига оид илмий-техник ахборотлар ва манбаларни ўрганиш;
- илмий-тадқиқот ишларида иштирок этиш;
- мавзу бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиши, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;
- илмий изланиш натижаларини амалиётга татбиқ этиш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш ва бошқариш;
- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизmlарини ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келишини назорат қилиш;
- касбий муаммоларнинг ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув карорларини кабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш.

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

- технологик регламент асосида ишлаб чиқариш жараёнларини танлаш, хом ашёларга ишлов бериш ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш лойиҳасини тузиш;
- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва мухитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини ўз ихтисослигига мос равища қўллаш.

Фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- тизимли ёндошув асосида автоматлаштирилган равища ишлаб чиқишни такомиллаш-

тириш;

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқик қилиш;
- асбоб-ускуналар, қурилмалар, механизмлар ва жихозлар, уларнинг ишчи қисмлари параметрлари ва иш ҳолатини ташхис синовларидан ўтказиш.

Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида):

- умумий ўрта, ўрта маҳсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича мутахассислик фанларидан назарий ҳамда амалий машғулотларни олиб бориш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўмаклашиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича зарур ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;
- ўз устида ишлаб ўқитаётган фанига тегишли методлар ва воситаларни муентазам такомиллаштириб бориш.

2. 60720100 – Озиқ-овқат технологияси (Озиқ-овқат хавфсизлиги) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиш, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- барқарор ривожланиш ва медиа фалсафа масалаларини касбий фаолиятда қўллай олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниш, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиш ҳамда улардан замонавий илмий асосда хаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана олиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятда қўллай олиш, ахборотларни йифиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаш, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва электрон алоқаларни олиб бориш, касбий фаолиятда мустақил асосланган қарорлар қабул қилиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай олиш, ўз устида ишлаш ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- озиқ-овқат маҳсулотлари биокимёси бўйича билимларни амалиётда қўллаш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда замонавий технологиялардан фойдаланиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда сертификатлаш ва хавфсизлик мезонлари ни инобатга олиш;
- озиқ-овқат корхоналарининг умумий ва маҳсус ускуналаридан фойдаланиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларининг технологик, медик-токсикологик ва стандарт кўрсаткичларини назорат қилиш;
- меъёрий-хукукий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва ўзларининг профессионал фаолиятларида фойдаланиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

Озик-овқат хавфсизлиги, хавфсизлик мезонлари, ветеринар-санитар назорат, йирик шохли мол, чўчқа, майда шохли мол, қонсизлантириш, субмаҳсулотлар, музлатиш, дефростация, колбаса маҳсулотлари, тузлаш, фарш, иссиқлик ишлови, мол ёғи, ичак, озик-овқат қўшимчалари, бўлиш, пресслаш, қадоклаш, куйдириш, қовуриш, дудлаш, қуритиш, стерилизация, оқсили, фермент, липидлар, углеводлар, минерал моддалар, витаминлар, мускул тўқималари, озуқавий қиймат, гўшт микробиологияси, сут технологияси; бижгитилган сут маҳсулотлари, творог, сметана, музқаймоқ, сут консервалари, қабул қилиш, тозалаш, қанд, сариёғ, қуритиш, сут нуксонлари, пишлоқ, казеин, дезинфекция, тара, қувурлар, арматура, гомогенизатор, сепаратор, центрифуга, пишлоқ тайёрлагич, творог тайёрлагич, вакуум-буғлатиш қурилмаси, фризер, чиниқтириш қурилмаси, тарози, ҳисоблагич, сув, сариёғ, сут қанди, туз, зичлик, қовушқоқлик, оптик ва иссиқлик хоссалари;

Консерва, биоз, анабиоз, абиоз, ценоанабиоз, тургор, осмос, плазмолиз, микроб, стерилизация, пастеризация, қуритиш, ивитиш, тузлаш, хужайра ва тўқима тузилиши, вегетатив давр, хом ашё элементлари ҳолати, инспекция, саралаш, навлаш, шарбат ажраташ ва шаффофлаштириш, бланширлаш, деаэрация, гомогенлаш, буғ, чиқитлар, пектин, тўлдирувчилик, озиқа, алоҳида тур маҳсулотлар, хом ашёни саклаш, қуймалар, маринадлаш, қадоклаш, беркитиш, табиий ва газак консервалар, тушлик консервалар, пюре, қанд, парҳезбоп ва болалар консервалари, мураббо, жем, повидло, цукат, желе, компотлар, дигестер, транспортер, конденсатор, буғлатиш аппарати, ювиш машинаси, конденсатор, сепаратор, центрифуга, қувур, вакуум, босим, кесиш, тозалаш, навлаш, инспекция, эксаустерлаш, пассирлаш, мева, сабзавот, полиз маҳсулоти, дуккаклилар, кўк нўхот, ширин жўхори, томат маҳсулоти;

Эндосperm, муртак, мойли ўсимликлар, липидлар, захира моддалар, уруғларни намлиги, қуруқ мевалар, органоид, мойлилиқ, табиий оғирлик, қопловчи тўқима, тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталар, позицион изомерланиш, мойларнинг зичлиги, функционал гурухлар, эриш ва қотиш ҳарорати, этерификация, глицеридлар, переэтерификация, аммонолиз, мойларнинг қуриши, ҳамроҳ моддалар, госсипол, кислота сони, совунланиш сони, йод сони, чақиш, сепарациялаш, қовуриш, форпресслаш, экстракциялаш, кунжара, чақилма, янчилма, шрот, мисцелла, рафинация, ёғларни қайта ишлаш, оклаш, дезодорация, окловчи тупрок, гидратлаш, деаэрация, саломас, соапсток, гидрогенлаш, автоклав, эмульсия, кристаллизация, гудрон, совун, маргарин, майонез, эмульгатор, хроматография, спектроскопия, экспертиза.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент кимё-технология институти

Ректор Б.Ш. Усмонов



М.Ү.

2021 йил « ____ » _____

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги ҳузуридаги Олий
таълим министри ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш
маркази

Директор

М.Эсонов


2021

йил

« ____ » _____

М.У.

Озиқ-овқат саноати уюшмаси



Б.Умиршайхов

2021

йил

« ____ » _____

М.Ү.

И.А.Каримов номидаги Тошкент
давлат техника университети



Ректор

С.Туробжонов

2021 йил « ____ » _____

М.У.

ЎзФА Микробиология институти



Директор

К.Давронов

2021 йил « ____ » _____

М.У.